

## Дўст билан обод уйинг!

Барчамизга маълумки, мана ярим йилдирки, институтга “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” факультети келиб қўшилди ва талаба - ёшлар ўқув амалиётларини шу ерда давом эттириб келмоқда.

Шу кунга қадар институтнинг бошқа факультетлари иқтидорли талаба ёшлари сингари турли маданий тадбирларда иштирок этиб келишмоқда.

“Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” факультети талаба - ёшлари бошқа факультетлар талабалари билан яқиндан танишиш ва дўстона алоқаларни янада кучайтириш мақсадида жорий йилнинг 23 феврал куни “Салом ирригация - келди механизация” номли концерт дастури уюштиришди.

Тадбирга барча факультетлар талабалари ташриф буюришди ва “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” факультети талаба - ёшлари томонидан намойиш этилган концерт дастурини мириқиб томоша қилишди.



Ушбу тадбир ёшлар орасидаги дўстона муносабат ҳамда меҳр - оқибатни янада кучайтиргани, шубҳасиз.

**“Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” факультети**  
**маънавий-маърифий ишлар бўйича декан ўринбосари И.Рахимов ахбороти**  
**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**